**Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни топшириш-қабул қилиш ва реализация қилиш**
**СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Тадбиркорлик субъектлари | Давлат фойдасига товарларни воз кечиш божхона режимига жойлаштиришга рухсатнома олиш учун ваколатли шахс фаолият кўрсатиш зонасида товар турган божхона органига рухсатнома бериш тўғрисида ариза тақдим этади. | Тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра |
| 2-босқич | Давлат божхона хизматининг ҳудудий органи | Божхона органи тегишли рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани олгандан сўнг Божхона кодексида назарда тутилган талаб ва шартларга риоя қилинганини текширади ва рухсатнома беради. | Ўн иш кунида |
| 3-босқич | Тадбиркорлик субъектлари | Божхона органига электрон шаклда БЮД юборади. | Тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра |
| | Давлат божхона хизмати органлари ходимлари | Товарларнинг божхона расмийлаштирувини электрон шаклда амалга оширади. | Уч иш кунида |
| 4-босқич | Давлат божхона хизматининг ҳудудий органи | Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштирилган товар бўйича божхона расмийлаштируви амалга оширилгандан сўнг ушбу товарлар бўйича тегишли барча рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиб, бир иш куни мобайнида ўзи жойлашган ҳудуддаги давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли органга ёзма хабарнома юборади. | Бир иш кунида |
| 5-босқич | Давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли орган | Хабарномани олган куни давлат божхона хизматининг ҳудудий органи билан келишилган ҳолда давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштирилган товарларни топшириш ва қабул қилиш жойини белгилайди. | Бир иш кунида |
| 6-босқич | Давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли орган | Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни қабул қилганидан кейин уларни мазкур Низомнинг 10-бандига мувофиқ тегишли ташкилотларга реализация қилиш учун юборади. | Бир иш кунида |
| 7-босқич | Давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли органдан товарларни қабул қилган ташкилотлар ва идоралар | Қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларнинг реализация қилинишини таъминлайдилар. | Доимо |